

УДК 502.57

АТРОФ-МУҲИТНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН ИФЛОСЛАНИШ МУАММОЛАРИГА ОИД ТАҲЛИЛЛАР

Азимов Холмумин Гулбоевич

катта уқитувчи

Курбонов Алимардон Сатторали

угли I-босқич магистранти

Мукимов Илхом Муродиллаевич

I-босқич магистранти

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти

ANNOTATSIYA

Мақолада зарарли моддаларнинг атроф муҳитга салбий таъсири, чўлланиш жараёни, саноат объектларининг атроф муҳитга салбий таъсири, сув захирасидан нотўғри фойдаланиш масалалари ёритилиб, ушбу омилларнинг инсон соломатлигига салбий таъсири, касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ва ушбу тадбирлардан қутилаётган натижалар ёритилган.

***Калит сўзлар:** атмосфера зарарли моддалар, экология, эрозия, табиат ландшафтлари, фторли бирикмалар.*

ABSTRACT

The article discusses the issues of environmental pollution by harmful substances, desertification, harmful effects of industrial facilities on the environment and improper use of natural drains. The negative effect of these factors on human health, prevention measures and the expected results of these activities are given.

***Key words:** atmosphere, harmful substances, ecology, erosion, natural landscape, fluoride compounds.*

АННОТАЦИЯ

В статье обсуждены вопросы загрязнения окружающей среды вредными веществами, вопросы опустынивания, вредные воздействия промышленных объектов на окружающую среду и неправильное использование естественных водостоков. Приведены отрицательное действие этих факторов на здоровье человека, меры профилактики и ожидаемые результаты от этих мероприятий.

***Ключевые слова:** атмосфера, вредные вещества, экология, эрозия, природный ландшафт, фтористые соединения.*

КИРИШ

Маълумки, кимё саноатининг чиқиндилари аммиакнинг атмосфера ҳавосидаги асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Соҳа бўйича умумий чиқиндилар миқдоридан аммиак улуши 14,4% ни ташкил этади. Андижон, Қўқон, Навоий, Фарғона, Чирчиқ, Самарқанд шаҳарларида жойлашган кимё саноатининг асосий корхоналаридаги ишлаб чиқариш технологиялари эскирганлиги бунга сабабдир. Республикадаги кўчмас манбалар умумий чиқиндилари миқдорининг 10% ва транспорт чиқиндиларининг 8,2% азот оксидлари улушига тўғри келади. Саноатда ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноат турлари азот оксидлари чиқиндилари чиқарадиган асосий объектлар ҳисобланади (жадвал). Мазкур мажмуа улушига республика бўйича ушбу чиқиндиларнинг 86,8% тўғри келади. Бироқ, ушбу чиқиндиларнинг республика бўйича 54,9% ва тармоқ бўйича 26,7% энергетика улушига тўғри келади. Ҳозирги кунда иссиқлик электр энергетикаси тизими ва иссиқлик энергетикаси марказларидаги асосий қувватлардан 30 йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланиб келинмоқда. Бунда ёқилғини ишлатиш самарадорлиги 33-35% ни ташкил этади. Ёқилғидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқишини оширади ва мазкур объектлар жойлашган шаҳарларда ва турар жойларда ҳавонинг ифлосланиш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Фарғона, Навоий, Қўқон шаҳарларида атмосфера ҳавоси азот оксидлари билан нисбатан кўпроқ ифлослангандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таъкидлаш керакки, атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар жами чиқиндиларининг ярмидан кўпини углерод оксиди ташкил этади. Автомобил шаҳарлар атмосферасига 70% гача углерод оксиди чиқади. Машинасозлик заводлари яқинида ва транспорт ҳаракати оқими кучли чорраҳаларда атмосферанинг ушбу таркибий қисм билан ифлосланиш даражаси юқори. Республика бўйича углерод оксиди чиқиндиларининг 53,8% ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё саноатини ўз ичига олган мажмуа улушига тўғри келади.

Чанг қаттиқ заррачалардан иборат бўлиб, уларнинг дисперси ва компоненти ушбу заррачаларнинг (табiiй ёки антропоген) пайдо бўлишига боғлиқдир. Унинг таркибига минераллар, эрувчан тузлар, металллар оксидлари ва органик бирикмалар киради. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган яхши

ҳимояланмаган кумли ерлар, Қизилқум, Қорақум ва Оролқум (Орол денгизининг қуриган қисми) чўллари шўр ерларининг юзаси атмосферага чанг тушишига сабаб бўладиган йирик табиий манбалар ҳисобланади. Орол денгизининг қуриган қисмидан кум ва тузларнинг шамол таъсири остида юзага келиши йилига ўртача 100-150 млн тоннага етади. Қум ва тузлар кўчишининг асосий жараёни Орол қирғоқ бўйидаги 100 км га тенг ҳудудда содир бўлади. Оролдаги чанг таркибида сульфат тузлари 25-48%, хлорли тузлар 18-30%, карбонат тузлар 10-20%ни ташкил этади [1].

Атмосферанинг умумий чанг босиши кўрсаткичи Ўзбекистоннинг 28 та саноат шаҳарларида кузатилади. Шаҳарлар ҳавосини ифлослайдиган чанг таркибида ёниш жараёни натижасида ҳосил бўладиган қурум мавжуд. Саноат марказлари атрофида ўрнашиб қоладиган чанг таркибида турли минерал моддалар, металллар оксидлари, силикатлар, қурум, фторидлар, маргимуш оксиди, сурма, селен бор [1]. Йирик саноат шаҳарларидаги чанг таркибида ўзига хос аралашмалар орасида кадмий, мис, қўрғошин, никель, рух, марганец каби металллар аниқланган.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши атроф муҳитга, жумладан иқлимга, сувга, тупроққа, ўсимликлар дунёсига, ҳайвонлар ва одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Атмосферанинг ифлосланиши натижасида йирик шаҳарлар ва саноат марказлари микроиқлимида яққол ўзгариш сезилади. Бу ҳудудларда ҳаводаги аэрозоллар қуёш нурининг кўп қисмини ютиб олиб, уни ерга кам ўтказди. Ифлословчи моддалар концентрациясининг ошиши натижасида бундай жойларда булутли ва туманли кунлар кўпайиб, қуёшли очиқ кунлар сони камайиб бормоқда.

Шу боисдан, ҳозирги кунда атмосфера ва атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқишини камайтириш, табиий сув манбаларидан тартибли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, шу ва бошқа йўллар билан экологик тизим издан чиқиши ҳамда инсон соғлигига етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш долзарб муммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Атроф-муҳит, ҳаво, сув ҳавзаларининг заҳарланиш даражаси белгиланган меъёрлардан юқори бўлиб, катта ҳудудлар чиқиндихоналарга айланмоқда. Минтақада табиий ландшафтлар ўзгариб, ўсимлик ва ҳайвонот олами ривожланишида муаммолар вужудга келмоқда. Хавфли экологик муҳит аҳолига, айниқса болалар саломатлигига салбий таъсир қилмоқда.

Шунингдек атмосфера ҳавосига саноат корхоналари ва турар-жой коммунал хўжалик чиқиндилари жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда

заҳарли моддаларнинг миқдори дунёнинг 200 дан ортиқ шаҳрида меъёрдан анча ошиб кетган. Атмосферада азот ва углерод оксидлари ошиб бормоқда [2].

Хусусан “Тоҷик алюминий компанияси” (TALCO) Давлат унитар корхонаси йилига 800 минг тонна бирламчи алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, йилига атмосферага 400-500 тонна фторли водород ва бошқа заҳарли газларни чиқармоқда [6]. Бу эса атмосфера ҳавоси ва атроф муҳит экологик тизимининг бузилишига олиб келиб, Сурхондарё вилоятининг Тоҷикистон Республикаси билан чегарадош бўлган Сариосиё, Узун, Денов ва Олтинсой туманлари аҳолисининг соғлигига, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатмоқда. «Талко» фаолияти натижасида Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари ҳудудида атмосферадаги фторли водороднинг миқдори йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан ўрта ҳисобда 1,8-2 баравар, ёз ойларида эса ҳатто 3-4 баравар ошиб кетаяпти.

Таъкидлаш керакки, атмосфера, тупроқ, сувнинг ифлосланиши натижасида боғлар барбод бўлмоқда, экинларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетмоқда. Олинаётган ҳосил, масалан, мева ва сабзавотлар таркибида фторидлар тўпланиши йўл қўйиладиган энг юқори концентрациядан 11-19 баравар, буғдойда 5-6,5 баравар юқори. Чорвачилик ҳам таназзулга юз тутди. Тадқиқотлар натижаси сут таркибидаги фтор нормадан 9-13 баравар, гўштда 10,9 фоиз юқори эканини кўрсатмоқда [6]. «Талко»нинг чиқиндилари аҳоли, биринчи навбатда, аёллар ва болалар ўртасида турли сурункали касалликларнинг кўпайишига асосий сабаб бўлмоқда. Аҳоли орасида ва ҳайвонот дунёсида буқоқ, флюороз, остеодистрофия, остеопороз, остеомалация, рахит ва бошқа модда алмашинуви билан боғлиқ эндемик, экзотик касалликларнинг ошганлигига табиий омиллар эмас, балки атмосферанинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Орол табиий ҳудудлари ҳам экологик жиҳатдан қониқарсиз аҳволда қолмоқда. Орол денгизи бассейнидаги барча сув ресурсларидан тўлиқ ва тартибсиз фойдаланилиш натижасида сув денгизга деярли етиб келмаяпти. Бу эса денгиз сувининг чекинишига, бунинг натижасида атрофдаги ерларнинг шўрланишига, экин майдонлари ҳосилдорлигининг кескин пасайишига олиб келмоқда. Орол кризиси - денгизнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши, инсоният тарихидаги энг йирик, ўз таъсир доирасига денгиз бассейнида яшайдиган 35 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган ҳудудни олган экологик ва гуманитар ҳалокатдир. 1994 йилга келиб Орол денгизи сув сатҳи кўрсаткичи 32,5 м.гача, ҳажми - 400 куб, км дан пастга,

сув юза майдони эса 32,5 минг. кв.км.гача камайди, сувнинг минералланиши икки баробар ошди [6].

Бугун бу ерда олиб борилаётган ишлар кишини лол қолдиради. Оролбўйи худудини экологик инновация ва технологиялар зонаси деб бежизга аташмади. Оролнинг қуриган майдонида саксовул экиш ишларига бошчилик қилиш Фавкулудда вазиятлар вазирлигига топширилди [7].

Ҳимоя ўрмонзорларни барпо қилиш 2018 йил 17 декабрдан бошланиб, Қорақалпоғистон Республикасидан 217, республиканинг 11 вилоятдан 290, жами 507 муҳандислик ва қишлоқ қурилиш техникалари Оролнинг қуриган майдонига сафарбар қилинди. Мўйноқдан 45 километр узоқликда, Оролнинг қуриган тубида штаб ташкил қилинди. Шу кунга қадар 77 минг 997 гектар майдонда қум сакловчи ариқлар тортилди. 27 минг 215 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди ва кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, самолётлар ёрдамида 18 парвоз амалга оширилиб, жами 4 минг 400 гектар майдонга саксовул уруғлари сепилди. Ушбу ишга тегишли олимлар ҳам жалб қилиниб, тупроқ таҳлиллари олинмоқда.

Оролнинг қуриган тубида ўтказилаётган тадбирларга 1 минг 300 дан ортиқ киши жалб қилинган, улардан 900 таси уруғ теришга ва қолганлари экишда иштирок этмоқда. 2018 йил бу ерда 500 минг гектар майдонга экилган саксовул, 2019 йил эса 800 минг гектар майдонга экилган саксовул келажакда худудда чорвачилик ривожланишига, биохилма-хиллик ортишига ишонч уйғотмоқда [7-8].

Ўтган йили Қорақалпоғистонга ёпирилган туз бўрони кўпчиликни ташвишга солиб қўйди. Жойларга чиқиб, ушбу туз аралаш чанг тўзоннинг қишлоқ хўжалигига зарари мутахассислар ва олимлар томонидан ўрганилиб чиқилди ва тузли қумлар қишлоқ хўжалиги экинлари баргларига ўрнашиб, устки қисмини қоплаб олган ҳамда баргларини куйдириб, қовжиратиб қўйганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг худудда бронхиал астма ва аллергия ренит касалликлари авж олди. Мана шундай муаммоларнинг олдини олишда саксовулзорлар барпо қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ПФ-60-сон фармонида асосан 80-мақсад: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш белгилаб қўйилган.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дарахт экиш. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиканинг 10 та ҳудудида аэробиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш.

Маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш.

Республика бўйича 51 та ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини яқунлаш.

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш.

Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажминини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш.

Оролбўйида халқаро "Яшил иқлим" ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 300 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш

Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун "жамоат парклари"ни ташкил этиш.

Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 31-сон қарорига 1-ИЛОВА асосан

2022 — 2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш

ҲАЖМЛАРИ

минг гектар

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами 2022 — 2026 йиллар да	Шу жумладан, йиллар бўйича:					Чўл ўсимликлари турлари	Шундан экиш усуллари бўйича:	
			2022 йилда	2023 йилда	2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда		уруғдан	кўчатдан
1.	Қорақалпоғистон	500	100	100	100	100	100	саксовул, корабурак,	475	25

	Республикаси							қандим		
2.	Бухоро вилояти	200	40	40	40	40	40	саксовул, черкез	180	20
3.	Навоий вилояти	250	50	50	50	50	50	саксовул, қандим, черкез	235	15
4.	Хоразм вилояти	50	10	10	10	10	10	саксовул	49	1
Жами		1000	200	200	200	200	200	х	939	61

Изоҳ. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда «яшил қопламалар» барпо этиш билан боғлиқ кўрсаткичларга Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонасининг экспертиза хулосасига асосан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги 31-сон қарорига 2-ИЛОВА асосан

2022 — 2026 йиллар давомида Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида «яшил қопламалар» барпо этиш учун чўл ўсимликлари уруғларини тайёрлаш

ҲАЖМЛАРИ

*т
онна*

Т/р	Ҳудудлар номи	Чўл ўсимликлари турлари	Жами 2022 — 2026 йилларда	Шу жумладан, йиллар бўйича:				
				2022 йилда	2023 йилда	2024 йилда	2025 йилда	2026 йилда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	саксовул, қорабурак, қандим	1900	380	380	380	380	380
2.	Бухоро вилояти	саксовул, черкез	800	160	160	160	160	160
3.	Навоий вилояти	саксовул, қандим, черкез	1000	200	200	200	200	200
4.	Хоразм вилояти	саксовул	200	40	40	40	40	40
Жами			3900	780	780	780	780	780

Изоҳ. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда «яшил қопламалар» барпо этиш билан боғлиқ кўрсаткичларга Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонасининг экспертиза хулосасига асосан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.01.2022 й., 09/22/31/0044-сон)

Оролнинг қуриган тубини ўрмонзорга айлантириш ана шундай экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларга ечим бўла олади. Ушбу муаммога тегишли чора кўрилмаганда 20-30 йилдан сўнг аҳвол бундан ҳам ёмон тус олган бўлар эди.

Таъкидлаш керакки, саксовул ўзидан кислород чиқаради ва ҳавонинг ифлосланишининг олдини олади, бу ҳозирги олиб борилаётган тадбирнинг экологик мазмуни. Ўрмонзорлар пайдо бўлгандан кейин ҳудудда яйловлар пайдо бўлади, чорвачилик ривожланади. Бу эса иқтисодий масалаларга ечим бўлади ва унинг натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланади.

Шу билан бирга, ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг йиллар давомида белгиланган меъёрлардан ўнлаб маротаба ортиқ қўлланилиши, ахлатга мосланмаган майдонларга чиқиндилар чиқариш тупроқ, атмосфера ҳавоси, ер ости ва ер усти сувларини ифлослантормоқда[4]. Бундан ташқари Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларида жойлашган чиқиндихоналардаги радиоактив қумларнинг шамол билан тарқалиши атроф минтақаларда экологик ҳалокатни келтириб чиқариши реал хавфга айланган.

Кучли шамол ҳам инсонлар ҳаётига ва халқ хўжалигига жиддий зарар етказадиган офатдир. Бу офат узоқ давом этувчи ва бузиш кучига эга. Бу офатнинг тезлиги 30-90 м/с.га етади. Ўрта Осиё минтақаларида шамолнинг кучи 40-60 м/с.га, Ўзбекистоннинг Ховос, Бекобод туманларида эса 50-60 м/с.ни ташкил этади. Кучли шамолнинг пайдо бўлиши, яъни атмосферада мувозанатнинг бузилиши натижасида ҳаво оқими жуда катта тезликда ҳаракатланиб, баъзи жойларда, у ўрама ҳаракатга айланиб кетади [3].

Қурғоқчилик офати ҳам Ўзбекистонга хос бўлиб, илгари бунга деярли эътибор берилмаган. Лекин кейинги йилларда экологиянинг ҳаддан ташқари бузилиши, сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқа сабаблар

оқибатида бизнинг минтақада ҳам бундай офат айнан ҳозирги пайтда кузатилмоқда [4]. Қурғоқчиликда одамларнинг ўлими, дарахтларнинг, экинзорларнинг қуриши, кучли ёнғинларнинг чиқиши ва турли хил касалликларнинг тарқалишига имконият яратилади. Кейинги йилларда ҳосилдор ерлар сув ва шамол эрозияси, ер ости сувларининг кўтарилиши, қурғоқчилик, оғир металллар ва бошқа кимёвий заҳарли моддалар билан ифлосланиши натижасида ўз ҳосилдорлигини йўқотмоқда. Тупроқда заҳарли моддаларнинг меъёрдан ортиқ йиғилиб қолиши натижасида, унинг физикавий, кимёвий, агрокимёвий ва биологик хусусиятлари ўзгариб кетмоқда.

Шу боисдан, минтақамизда, шу жумладан республикада атмосфера - атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва экологияни соғломлаштириш мақсадида, табиатга антропоген таъсиротларни камайтириш зарур. Бунинг учун турли хил чиқиндилар учун махсус жойлар ташкил этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини янада такомиллаштириш, атмосферага заҳарли газлар чиқишининг олдини олиш учун корхоналар мўриларини замонавий филтрлар билан жиҳозлаш талаб этилади. Шунингдек саноат ишлаб чиқаришида имкон қадар заҳарли моддалардан фойдаланишдан воз кечиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, минтақада жойлашган қўшни давлатлар билан келишган ҳолда дарёлар сувларидан режали фойдаланиш, сув манбаларига ифлос чиқинди сувларнинг тушишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланмаслик, ўсимликларни биологик йўл билан ҳимоя қилиш усулларини янада ривожлантириш, табиий қўриқхоналар биосферасининг бузилишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга [5].

Бу тадбирлар ўз навбатида атмосфера ва атроф-муҳитнинг оғир металллар ва заҳарли газлар билан ифлосланишининг олдини олади, экологиянинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтиради, сув манбаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, уларнинг ифлосланишининг олди олинади, биологик хилма-хиллик сақлаб қолинади, қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар олинишига эришилади, экологик тоза биосфералар ва табиий қўриқхоналар сақлаб қолинади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, атмосфера ва атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши, уларни зарарсизлантириш чораларининг кўрилмаслиги, табиий сув манбалари ва бошқа ресурслардан

тартибсиз фойдаланиш экологик тизимга ва шу орқали инсоният саломатлиги ҳамда ҳайвонот оламига салбий таъсир кўрсатади. Агарда ҳозирдан жиддий чоралар кўрилмаса, экологик ҳалокатга, энг асосийси инсонларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

REFERENCES

1. Айзман Р.И., Кривошеков С.,Г., Омельченко. – Основы безопасности жизнедеятельности и первой медицинской помощи. – Новосибирск: Сибир. Университет нашриёти. 2005, – 464 б.
2. Степановских А.С. “Охрана окружающей среды” – Москва “ЮНИТИ-ДАНА” 2001, 560 б.
3. Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини экологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш атласи. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси. “Kartografiya” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси. Т.: 2008. – 63 б.
4. Мухитдинов М.М., Потапов А.И. “Экология”, Ташкент. “Фан”, 2009, 432 б.
5. Репин. Ю.В.,-“Безопасность и защита человека в чрезвычайных ситуациях”. – Москва. Дрофа. 2005. 192 б.
6. [www. ecoNews.uz](http://www.ecoNews.uz)-Ўзбекистоннинг экологик маълумотлар портали.
7. [www. mchs.gov.uz](http://www.mchs.gov.uz).
8. [www. Ziyo.net.uz](http://www.Ziyo.net.uz)